

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

64 **Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
30 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Рес-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

публикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 328-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сон «Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 2-сон, 24-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2013 йил 28 январь,
01-02/12-10-сон

3. ДУСАНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил
28 январдаги 01-02/12-10-сон қарорига
ИЛОВА

**Импорт қилинадиган товарларни божхонада
расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини
тақдим этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 328-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сон «Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 2-сон, 24-модда) мувофиқ даврий божхона декларациясидан фойдаланган ҳолда «эркин муомалага чиқариш» (кейинги ўринларда — импорт деб юритилади) божхона режимига жойлаштириладиган товарларни декларациялаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

айни бир хил товар — келиб чиқиш мамлакати, жисмоний хусусиятлари, сифати, ишлаб чиқарувчиси, Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича 10 белгили муайян коди бир хил бўлган товар;

бир шахс томонидан доимий олиб ўтиш — божхона чегараси орқали битта ташқи савдо шартномаси доирасида, бир хил шартларда, бир юк жўнатувчидан бир юк қабул қилувчига айна бир хил товарларни 60 (олтмиш) календарь кун мобайнида бир мартадан кўп олиб ўтиш;

товар партияси — транспорт қоидаларига мувофиқ битта транспорт ҳужжати (юкхат, коносамент ва ҳ. к.) бўйича бир юк қабул қилувчига жўнатиладиган товарлар.

2. Даврий божхона декларацияси (кейинги ўринларда — ДБД деб юритилади) айна бир хил товарларни импорт божхона режимида бир шахс томонидан доимий олиб ўтишда расмийлаштирилади.

3. Қуйидаги товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида ДБДнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиниши тақиқланган;

б) лицензиялар бўйича импорт қилинадиган;

в) ваколатли органларнинг рухсатномаси талаб қилинадиган (мувофиқлик, гигиена, ветеринария сертификатлари ва импорт карантин рухсатномаси бундан мустасно).

4. Декларантда божхона тўловларидан қарздорлик ва улар бўйича пенялар, ушбу тўловлар бўйича кечиктириб ва бўлиб-бўлиб тўлаш имтиёзи берилганлиги учун фоизлар ҳамда божхона қоидаларини бузганлиги учун жарималар мавжуд бўлган ҳолатларда даврий божхона расмийлаштируви амалга оширилмайди.

5. Товарларнинг даврий божхона расмийлаштируви божхона постида икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда ДБД расмийлаштирилади;

иккинчи босқичда тўлиқ божхона юк декларацияси (кейинги ўринларда — БЮД деб юритилади) расмийлаштирилади.

6. Даврий божхона расмийлаштирувида транспорт ва товар кузатув ҳужжатлари декларант томонидан божхона постига ДБДда кўрсатилган ҳар бир товарлар партияси учун божхона кўриги бошланишидан олдин тақдим этилади.

7. ДБДда расмийлаштирилган товарларнинг қолган партияси ДБД расмийлаштирилган божхона постига тақдим этилади.

II. ДБДни расмийлаштиришнинг биринчи босқичи

8. Даврий божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ДБД билан бирга божхона органларига товарларни расмийлаштирув давомида тақ-

дим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар декларант томонидан божхона постига товарларнинг дастлабки партиясини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш пайтида тақдим этилади.

Ҳужжатлар божхона постига «Товарларни электрон декларациялаш» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ваколатли органлар ва божхона расмийлаштируви мутахассиси томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон кўринишда ҳам тақдим этилиши мумкин.

9. ДБД олиб келинган дастлабки товарлар партиясининг шартномада кўрсатилган умумий миқдорига БЮД бланкларида ёки электрон шаклда расмийлаштирилади.

Бунда ДБДда кўрсатилган товарларнинг тўлиқ миқдори учун божхона тўловлари тўланади.

10. ДБДда кўрсатилган товарларнинг ҳар бир партияси импорт божхона режими асосида товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахснинг тўла ихтиёрига берилиши уларни божхона кўригидан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади. Келгусида ҳар бир товарлар партиясининг назорати ва ҳисобини юритиш учун божхона кўриги далолатномаси, транспорт ва товар кузатув ҳужжатларининг нусхалари, тегишли сертификатлар (сертификатланиши мажбурий бўлган товарлар учун) ва рухсатномалар божхона пости йиғма жилдида сақланади.

11. Товарларни божхона кўригини амалга оширувчи божхона постининг мансабдор шахси ДБДнинг 1 ва 6-асл нусхаларининг орқа қисмида ДБД бўйича товарнинг тартиб рақами, ТИФ ТН коди, миқдори ва божхона кўриги далолатномаси тартиб рақами бўйича маълумотларни қайд этиб боради. Мазкур ёзув божхона пости мансабдор шахсининг шахсий рақамли муҳри ва божхона постининг тегишли штампи билан тасдиқланади.

12. ДБД импорт божхона режимига асосан БЮДни тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) ДБДнинг 1-устуни биринчи қисмида «ПЕ» ҳарфли белги кўрсатилади;

б) 44-устунида 8-рақам билан «Товарлар КК.ОО.ЙЙ» гача тақдим этилади» деган қўшимча ёзув ёзилади, бунда КК.ОО.ЙЙ — (кун, ой ва йилнинг охири икки рақами) товарни божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган божхона постига тақдим этишнинг охири санаси ҳисобланади.

в) 50-устунда «Тақдим этилган маълумотлар учун жавобгарлик ...» деган сўзлардан кейин «БЮДни «20__» йил «__» _____ гача тақдим этиш мажбуриятини оламан» деган сўзлар билан тўлдирилади.

III. ДБДни расмийлаштиришнинг иккинчи босқичи

13. ДБДда кўрсатилган муддат тугагунга қадар декларант томонидан тўлиқ БЮД тақдим этилади.

14. Тўлиқ БЮДни тақдим этиш муддати ДБД расмийлаштирилган санадан 60 (олтмиш) календарь кунидан ошмаслиги лозим. ДБД расмийлаштирилган божхона пости тўлиқ БЮДни тақдим этиш муддатини назорат қилади.

15. Олиб кирилаётган товарларнинг умумий миқдори ДБДа кўрсатилган миқдордан ошмаслиги керак.

16. Божхона тўловлари суммасини ҳисоблашда, тўлиқ БЮДа ДБД қабул қилинган кунда амалда бўлган божхона тўловлари ставкалари ва хорижий валюталар курси қўлланилади.

Агарда тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш натижасида ҳисобланган божхона тўловлари суммаси ДБДа кўрсатилган тўловлар суммасидан ортадиган бўлса улар қўшимча тўланади, камайиш ҳолатларида эса божхона органи ўртадаги фарқни тўловчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтаради ёки тўловчининг хоҳишига кўра уни кейинги тўловлар ҳисобига киритади.

17. Тўлиқ БЮД қуйидаги ҳолларда расмийлаштирилмайди:

ДБДа кўрсатилмаган товарлар келганда;

қолган товарлар партияси олиб кирилганда дастлабки товарлар партиясини божхона расмийлаштирувидан ўтказишда кўрсатилмаган, иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилишига таъсир кўрсатувчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда;

дастлабки товарлар партиясини расмийлаштиришда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатларни қолган партия товарларни олиб киришда тақдим этмаганда.

Мазкур ҳолатларда янги БЮД Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 92-моддасида белгиланган 15 кунлик муддат ичида тақдим этилиши шарт.

18. Тўлиқ БЮДни расмийлаштиришда қуйидаги хусусиятлар инобатга олинади:

а) БЮДга айнан ДБДга берилган тартиб рақам қўйилади ва улар биридан ажралмас қисмлар ҳисобланади.

б) БЮДнинг 44-устунида 8-рақам билан «ПЕ дан кейинги декларациялаш» деган сўзлар ёзилади.

19. Тўлиқ БЮДнинг «Д» устунида божхона постининг мансабдор шахси томонидан товарларни ҳақиқатда расмийлаштирилган санаси қўшимча ёзилади (ДБДа кўрсатилган товарларнинг охириги партиясининг расмийлаштирув санаси).

IV. Яқуний қоидалар

20. Божхона расмийлаштирувида тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун декларант жавобгардир.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.